



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

**САИДОВ УЛУҒБЕК
АБДИВАЛИЕВИЧ**

PhD, доцент в.в.б. "Agrobank" ATB ходими

Annotatsiya

Мақолада тижорат банкларида рискларни диверсификациялаш ҳолати ва таҳлили, тижорат банклари рискларни диверсификациялашнинг макро ва микроиқтисодий даражадаги асосий йўналишлари, банкларда рисклар билан боғлиқ иқтисодий хавфни пасайтириш ва молиявий йўқотишларни олдини олиш, таҳлил қилиш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимизда қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Kalit soʻzlar:

тижорат банклари, рисклар, макро ва микроиқтисодий даражада, монетар сиёсат, банк кредит, рискларни бошқариш, рискларини диверсификациялаш, банклари кредит портфели.

STATUS AND ANALYSIS OF RISK DIVERSIFICATION IN COMMERCIAL BANKS

SAIDOV ULUG'BEK ABDIVALIEVICH
PhD, dotsent v.v.b. "Agrobank" ATB xodimi

Abstract: The article examines the state and analysis of risk diversification in commercial banks, the main directions of risk diversification in commercial banks at the macroeconomic and microeconomic levels, the possibilities of reducing economic risk associated with risks in banks and preventing financial losses, and the application of the experience of foreign countries in our country.

Key words: commercial banks, risks, macro and microeconomic level, monetary policy, bank credit, risk management, risk diversification, bank loan portfolio.

Кириш

Мамлакатимиз тижорат банкларида рискларни диверсификациялаш билан боғлиқ катор объектив ва субъектив омилларнинг таъсири юқорилигича қолмоқда. Мазкур масалаларнинг ечими сифатида мамлакат реал секторида самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, Марказий банкнинг юмшоқ монетар сиёсатини кенгроқ жорий этиш ҳамда миллий иқтисодиётда бозор

иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бўлган иқтисодий тенглик ва шаффофликни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари омонатчилар, инвесторлар, кредит олувчилар, миждозлар билан ўзаро муносабатлари доимо кенгайиб боради. Бу ўз навбатида, рискларни самарали диверсификациялашга бўлган эҳтиёжни чуқурлашувига олиб келади. Банк рисклари жуда кенг қамровли бўлиб, тижорат банкларининг актив ва мажбуриятлар билан боғлиқ барча операцияларини амалга оширишда вужудга келади.

Тижорат банкларининг бевосита рискга боғлиқ бўлган асосий актив операциялари сифатида кредит, инвестиция, лизинг, ижара ва деривативлар билан боғлиқ операцияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Банкларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ рисклар маблағларни жалб қилиш ва уларни тегишли тўловлар билан қайтариш жараёнида вужудга келади.

Банк рискларини диверсификациялашда асосий эътибор, жалб этиладиган маблағларни riskли активларга жойлаштирилган молиявий ресурсларни тўлиқ қайтиши ва тегишли фойдани шакллантиришга қаратилади. Банк рискларини диверсификациялашда эҳтимоллар назарияси ва банк рисклари назариясини бириктирган ҳолда тадбиқ этиш механизми асосида вужудга келади.

Тадқиқотлар ва қиёсий ўрганишларга таяниб: “Тижорат банклари рискларни диверсификациялаш – бу турли даражадаги ташқи ва ички таъсирларга қарамасдан банкнинг самарали ривожланишини таъминлаб туриш мақсадида рискларни марказлашлашувига йўл қўймаслик ва иқтисодий зарарини олдини олишдан иборатдир”, дейишимиз мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодчи олим А.В.Беляков: “Ҳолатни қизиқиш билан кузатиб турган субъект учун ҳолат ривожланиб боришининг натижаси ноаниқлиги шароитида иштирокчини салбий оқибатларга олиб келувчи вариантлар мавжудлиги ушбу ҳолатнинг рискка боғлиқлигини билдиради¹”, дея таъриф берган бўлса, Е.Б. Стародубцева фикрига кўра “риск - бу йўқотишларга олиб борувчи ҳодисалар эҳтимолининг қийматдаги ифодасидир²”.

Демак, риск даражаси қанчалик юқори бўлса, фойда олиш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Рисклар жорий ва келгусидаги ҳақиқатда эришиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар натижасида юзага келади. Улар ижобий бўлиши билан бирга, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, агар йўқотишларга йўл қўйиш мумкинлиги олдиндан кўзда тутилса ва ундан ўзини эҳтиёт қилинсагина фойда олиш мумкин бўлади”.

Банк кредит rischiга россиялик олимлар “кредит rischi – контрагент шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажармаслиги натижасида кўриши мумкин бўлган йўқотишдир. Қарз олувчи томонидан асосий сумма ва тўланган суммани чиқариб ташлангандан сўнг қолган фоиз тўловини тўлолмаслиги

¹ Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования (2-е изд.). Управленческая методическая разработка. - "БДЦ-пресс", 2004 г.

² Стародубцева Е.Б. Основы банковского дела: Учебник. — М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. — 256 с.

кредитор учун йўқотилган зарар сифатида баҳоланади”³, деган тарзда, рискни фақат кредит жараёни билан боғлаб қўйган.

Ғарбий Европалик иқтисодчилар Е.В. Иода, Л.Л. Мешкова, Е.Н. Болотиналар томонидан банк рискларига таъриф беъришда икки томонлама ёндашилган. Абсолют маънода “риск - ўлчанилиши мумкин моддий нарсалар (жисмоний) ва қиймат (пул маблағлари) кўринишидаги йўқотишлар миқдорини аниқлайди” дея қаралса, нисбий маънода “риск - тижорат банкининг молиявий ҳолатига, фаолиятдаги ресурсларининг умумий харажатларига ёки кутиладиган даромадига (фойдасига) таъсир қилиши мумкин бўлган йўқотишлари миқдори”⁴, дея таъкидланган.

Профессор Ш.Абдуллаева “банк rischi – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир”⁵, деб таъриф келтирган.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан рискка берилувчанлиги жуда юқори бўлиб бунга қатор омиллар сабаб бўлади. Хусусан, тижорат банклари:

-асосан жалб қилинган молиявий ресурслар асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Масалан, уларнинг пасивлари таркибида ўз маблағлари бор йўғи 10-12 фоизни ташкил этади, қолган 88-90 фоиз молиявий ресурслар бошқа шахслардан жалб қилинган маблағлар ҳисобланади. Демак, тижорат банклари жалб қилинган пул маблағлари бўйича тегишли мажбуриятларни ўз зиммасига олади, бу албатта маълум даражадаги рискларни вужудга келишига сабаб бўлди;

-жалб қилинган маблағларни фойда олиш мақсадида турли рискли операцияларга (кредит, инвестиция, лизинг, деривативлар) жойлаштиради. Бу жараён ҳам бевосита риск билан боғлиқ бўлиб, фойда олиш учун жойлаштирилган маблағларнинг ўз вақтида қайтмаслиги банкнинг нафақат фойдадан мосуво бўлишига, балки учинчи шахслардан жалб қилинган маблағларни ҳам қайтариш билан боғлиқ муаммога рўбару қилади;

-бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ишончни йўқотиши билан боғлиқ рискдан катта азият чекади. Бунга банк фаолиятига нисбатан аҳолининг ишончини йўқолиши билан бирга, банк мижозлари орасида тарқаладиган ваҳима кучли туртки беради. Ваҳиманинг вужудга келишига йирик молиявий ташкилотлар ҳисобланган мустақил аудит ва рейтинг компаниялари ҳамда халқаро молиявий биржараларнинг ҳисоботлари, ҳукуматнинг оммавий ахборот воситалари орқали берадиган ахбороти сабаб бўлади;

³ Лобанова А.А., Чугунов А.В. Энциклопедия финансового риск-менеджмента. –М.: “Юрайт”, 2006. –С.363.

⁴ Классификация банковских рисков и их оптимизация / Под общ. ред. проф. Е. В. Иода. 2-е изд., испр., перераб. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. 120 с.

⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002. - 304 б.

-ва бошқа ҳолатлар, хусусан банкнинг активлари сифатининг ёмонлашуви, ликвидлилики таъминламаганлиги, дивидендларнинг тўланмаслиги каби ҳолатлар ҳам тижорат банкларида рискларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларида актив операциялар билан боғлиқ рискларга асосий эътибор қаратилади. Чунки, банк активлари сифатининг ёмонлашуви мажбуриятни бажариш, фойда даражасини пасайиши, бозордаги мавқиеини йўқотиши каби қатор зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари пасивлар билан боғлиқ рискларни диверсификациялаш ва пасайтиришда асосий эътиборни молиявий ресурсларни узоқ муддат (3,5 ва 10 йил)га жалб этишга қаратади, чунки мазкур ҳолат уларда трансформацион ва ликвидлилик рискин диверсификациялаш ва пасайтириш имкониятини беради.

Албатта, бунга Марказий банкнинг асосий ставкаси, кредит ва депозитларнинг фоиз ставкалари, инфляция даражаси бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади, мазкур маълумотлар қуйидаги жадвалда айрим мамлакатлар мисолида келтирилган.

Масалан, мамлакат банк тизимида 2024 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд тижорат банклари активлари (67,7%), кредитлари (70,7%), депозитлари (51,5%) ва капитали (65,1%)нинг улуши юқориликча қолмоқда⁶. Шу билан бирга, мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфели ва депозитлари таркибида хорижий валютанинг иштироки салмоқли улушни ташкил этиши ҳам банкларнинг рискларни бошқариш ва диверсификациялаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан, тижорат банклари кредит портфели таркибида хорижий валюталар улушини кейинги беш йилда босқичма-босқич 30-35 фоизга тушириш орқали валюта билан боғлиқ рискларни диверсификациялаш ва маълум даражада бартараф қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон тижорат банкларида riskли активлар ва беқарор мажбуриятлар ҳолатини таҳлили натижасида рискларни самарали бошқаришда тегишли гуруҳларга ажратган ҳолда диверсификациялаш зарур деган хулосага келдик. Шу мақсаддан келиб чиқиб, тижорат банкларида рискларни диверсификациялашни қуйидаги учта гуруҳга ажратдик.

1-жадвал

Тижорат банкларининг рискларини Диверсификацияси

Гуруҳ	Риск даражаси	Риск турлари
I	Кучли риск, (юқори даражадаги риск)	-кредит рисклари; -ликвидлилик рисклари -мажбурият рисклари;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

		-валюта рисклари.
II	Кучсиз риск, (ўрта даражадаги риск)	-фоииз рисклари; -операцион рисклар; -фирибгарлик рисклар; -бозор рисклари.
III	Заиф риск; (паст даражадаги риск)	-фонд рисклари; -ҳуқуқий муносабатларга оид рисклар; -бизнесда обрўни йўқотиши рисклари.

Жадвалдан кўриш мумкинки, тижорат банкларида рискларни диверсификацияланиши учта гуруҳга ажратилган бўлиб, улар юқори даражадаги риск, ўрта даражадаги риск ва паст даражадаги риск гуруҳларидан иборатдир.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижасига таяниб, мамлакатимиз тижорат банкларида рискларни диверсификациялаш ва бошқариш юзасидан қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

-давлат улуши юқори бўлган тижорат банкларида рискли активларни, хусусан кредит портфелини шаклланишида ҳукуматнинг директив таъсири сақланиб қолмоқда, натижада бу ҳолат банкнинг стратегик ривожланиш мақсади ва стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали бажаришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

-ҳукумат ва тегишли масъул органларнинг саъйи ҳаркатларига қарамасдан давлат тижорат банкларини трансформация қилиш, хусусан тижорат банклари капиталида давлат улушини хориж ва маҳаллий инвесторларга сотиш масаласи ижобий натижа бермаётганлиги ҳам уларда рискларни диверсификациялаш жараёнини самарали ташкил этиш имкониятини бермаяпти. Ваҳоланки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида бу борада қатор долзарб вазифалар белгиланган. Хусусан:

-банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш;

-банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш;

-банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш;

-камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Эътироф этиш жоизки, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда, улар ўзининг тегишли самарасини ҳам бермоқда. Бироқ, бизнинг назаримида, мазкур вазифалар бўйича юқори натижаларга эришиш учун реал сеторда кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек Марказий банкнинг юмшоқ монетар сиёсатини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишимизни АТБ Агробанкнинг активлари ва пасивлари таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш асосида давом эттирамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТБ Агробанкнинг 2020-2024 йилларда активлари таркиби ва динамикаси⁷

(1 январь ҳолатига, жамига нисбатан улуши, %да)

Асосий кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.	2024й.
Кассадаги нақд пуллар	3,3	3,2	2,8	4,5	2,8
Марказий банкдаги маблағлар	2,7	4,4	4,2	2,4	1,7
Бошқа банклардаги маблағлар	2,0	2,5	1,9	1,8	2,5
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1,5	5,2	5,9	2,2	1,2
Кредит қўйилмалари	85,3	79,2	79,2	81,1	81,1
Асосий воситалар	3,5	3,7	3,3	3,5	3,9
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	0,3	0,8	1,3	2,5	4,6
Банкнинг стандарт активлари бўйича шакллантирилган захирлар	0,0	0,0	0,2	0,7	0,8
Бошқа активлар	1,4	0,9	1,1	1,4	1,3
Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Жадвал маълумотларига таяниб хулоса қиладиган бўлсак, АТБ Агробанкнинг 2020-2024 йиллар 1 январь ҳолатига активлари таркибида кредит қўйилмалари улушининг юқорилиги, инвестицияларнинг улуши аксинча жуда паст эканлиги рискларни диверсификациялаш ва бошқаришдаги жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида тижорат банкларида активлар, кредитлар ва капиталнинг алоҳида олинган ҳудудларда марказлашуви ҳам рискларни бошқариш ва диверсификациясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Шу жиҳатдан, банкларда рискларни тармоқлар, ҳудудлар ва мулкчилик шакллари бўйича диверсификациялаш муҳим ҳисобланади. Албатта, бу каби чора-тадбирлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва фойда даражасини 5 пунктга ошириш имкониятини беради деган фикрдамиз.

Эътиборлиси, мазкур банкнинг кредитлари 58,8%, инвестициялари 22,7%, Марказий банкдаги маблағлари 11% ни ташкил этгани ҳолда, активлар таркибида даромад келтирадиган активла улуши 92 фоизни ташкил этмоқда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси АТБ Агробанкнинг веб саҳифаси материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1675106/>

Хитой “Industrial and Commercial Bank”нинг мажбуриятлари таркибида 2020 йилда муддатли депозитларнинг улуши 70,9%, банклар ва бошқа молиявий институтларнинг маблағ (кредит)лари 9% эканлиги ҳам мажбуриятлар билан боғлиқ рисклар самарали диверсификация қилинганлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 2023 йил 28 январдаги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Избосаров Б.Б. Глобаллашув шароитида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириши тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. иқт. фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. –Т.: 2023, -91 б.

3. Мақсудов Б.А. Тижорат банклари муаммолари активларини қисқартириш йўллари. и.ф. (PhD) бўйича фал. док. ил. дар. олиш учун баж. дисс. авт. –Т.: 2023, ТМИ, 62 б.

4. Назарова Ч.Б. “Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати Т.: – 2023. 25 б.

5. <https://www.worldbank.org/> - жаҳон банкининг расмий веб - сайт маълумотлари.

6. <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти маълумотлари.